

МЕХНАТ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Юлдашев Иқболжон Рахимович

Ички ишлар вазирлиги Академияси Давлат-хуқуқий фанлар ва инсон хуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7308138>

Аннотация. Мақолада меҳнат муносабатларида меҳнат шартномасини ўзгартириши расмийлаштириши тушиунчаси ва уни амалга ошириши тартиби, хуқуқий асослари, меҳнат шартларини ўзгартириши, бошқа ишга ўтказиш ва иши жойини ўзгартириши расмийлаштиришига оид муносабатларнинг хуқуқий асослари, уларни амалга оширишида ходим ва иши берувчининг хуқуқ ва мажбурияtlари, шунингдек хорижий мамлакатлар қонунчилигига меҳнат шартномасини ўзгартиришини расмийлаштириши асослари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: меҳнат шартномаси, меҳнат шартномасини ўзгартириши, меҳнат шартлари, иши жойини ўзгартириши, бошқа ишга ўтказиш, вақтинча бошқа ишга ўтказиш, бошқа доимий ишга ўтказиш, меҳнат шартномасини ўзгартиришини расмийлаштириши, иши берувчининг буйргуи, меҳнат дафтарчаси.

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ОФОРМЛЕНИЯ ИЗМЕНЕНИЯ ТРУДОВОГО ДОГОВОРА

Аннотация. В статье проводится анализ понятия оформления изменения трудового договора в трудовых отношениях и порядок реализации, правовых основ, роли и особенности условий трудового договора в регулировании трудовых отношений, правовых основ отношений, связанных с переводом на другую работу, сменой места работы, прав и обязанностей работника и работодателя при их реализации, а также основания и порядка оформления изменений в трудовой договор.

Ключевые слова: трудовой договор, изменение трудового договора, условия труда, изменение места работы, перевод на другую работу, временный перевод на другую работу, постоянный перевод на другую работу, оформление изменения трудового договора, приказ работодателя, трудовая книжка.

LEGAL REGULATION OF THE REGISTRATION OF CHANGING THE LABOR CONTRACT

Abstract. In the article the analyses of concept of the registration of changing labor contract in labor relations and the procedure for its implementation, the legal framework, the role and features of the terms of an employment contract in regulating labor relations, the structure of social and production factors, as well as the legal foundations of relations related to transfer to another job, changing of workplace, in their implementation of the rights and obligations of the employee and the employer, as well as the grounds and procedure for formalizing amendments to the employment contract were analyzed.

Keywords: employment contract, changing of the employment contract, working conditions, changing of place of work, transfer to another job, temporary transfer to another job, permanent transfer to another job, registration of the changing of the employment contract, employer's order, work-book.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар замирида инсон манфаати ва унинг орзу-интилишларини рӯёбга чиқариш ётади. Фуқароларининг эркин касб танлаш ваadolатли меҳнат шароитларида ишлашини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармонида таъкидланганидек, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш,adolatli mehnat sharoitlariida ishlash va qonunda kursatilgan taribiда ihsizlikdan himoyalaniш hukukiga egaлиgi belgilab k'йилган.

Ушбу моддада келтирилган меҳнат қилиш, эркин касб танлаш,adolatli mehnat sharoitlariida ishlash va ihsizlikdan himoyalaniш tamoyillarini amalga oshiriшda mehnat shartnomasini tuzish ўзгартириш ва bekor қилишга oid muносабатlar muхim ўрин tutadi.

Жумладан, меҳнат қонунчилигига меҳнат шартномасини ўзгартиришни расмийлаштириш муҳим ҳуқукий жараён бўлиб, ходим ва иш берувчи ўртасида меҳнат muносabatlarini amalga oshiriш пайтида пайдо бўладиган муайян меҳнат shartnomasining taқdirinи belgilab bеришга қаратилган жараён ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Умумий қоидага кўра, меҳнат шартномасини ўзгартириш иш берувчининг буйруги билан расмийлаштирилади. Меҳнат шартномасини ўзгартириш ҳақида буйруқ чиқариш учун асос сифатида тарафлар томонидан меҳнат шартномасига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги келишувлар асос бўлади.

Меҳнат шартномасига киритилган муайян ўзгартириш буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади. Ҳар бир ўзгартириш меҳнат шартномасининг учинчи бўлимига киритилиб, унда қўйидагилар kursatiliши kerak:

- меҳнат шартномасининг у ёки бу шартига ўзгартириш қачон киритилганлиги;
- у шартноманинг айнан қайси бандига киритилганлиги;
- янги шарт қайси вақтдан кучга кириши ёки унинг амал қилиш муддати.

Меҳнат шартномаси янги шартининг мазмунига келсак, у қўшимча келишувда kursatiladi, худди меҳнат шартномасидек икки нусхада расмийлаштирилади ва томонлар тарафидан имзоланади. Кейинчалик бу битим ходим ва иш берувчида турадиган, меҳнат шартномасининг ажralmas қисми бўлиб қолади.

Меҳнат шартномасига киритиладиган ўзгартишларни расмийлаштириш тарibi унинг қанча шарти ўзгартирилишига боғлиқ бўлади. Меҳнат шартномасининг бир нечта асосий шартлари ўзгартилаётган вақтда (масалан, бошқа ишга ўтказилиши muносabati билан ходимнинг меҳнат вазифалари, иш жойи ва бошқа меҳнат шартлари ўзгарадиган taқdirda), меҳнат шартномасини қайta расмийлаштириш мақсадга мувофиқdir. Бунда

қайта расмийлаштирилган мөхнат шартномаси камида икки нусхада тузилади, уларнинг ҳар бири бир хил кучга эга бўлади, нусхалар шартнома тарафларига сақлаш учун топширилади. Шартноманинг ҳар бир нусхаси ходим ва ишга қабул қилиш хукуқига эга бўлган мансабдор шахс имзолари билан тасдиқланиб, имзолаш санаси қўйилади. Мансабдор шахснинг имзоси корхона муҳри билан тасдиқланади. Қайта расмийлаштирилган шартномада тарафларнинг манзиллари кўрсатилади. Агар мөхнат шартномасининг асосий шартлари ўзгармай қолаётган ҳолда бутун мөхнат шартномасини қайта расмийлаштиришнинг зарурияти йўқ.

Хукуқшунос М.Ю.Гасановнинг таъкидлашича, мөхнат шартномасида унинг шартларини ўзгартириш қачон киритилгани, шартноманинг қайси бандига ўзгартириш киритилгани, ўзгартириш қачон кучга кириши ва у қанча муддат мобайнида амал қилиши белгиланади, айни пайтда эса унинг иловасида мөхнат шартномасини у ёки бу ўзгартиришнинг мазмуни батафсил ва аниқ баён этилади. Бунда мөхнат шартномаси маҳсус бўлимни ўз ичига олган ва маҳсус иловага эга бўлган корхоналарнинг тажрибаси дикқатга сазовордир. Мөхнат шартномаси шаклига шундай бўлим ва илованинг киритилиши корхона кадрлар хизматининг ишини анча енгиллаштиради, ходим учун ҳам, иш берувчи учун ҳам мөхнат шартномасига киритилаётган ўзгартиришларни расмийлаштириш тартибини тушунарли қиласи, мөхнат низоларининг олдини олишга хизмат қиласи.

Ходимнинг мөхнат дафтарчасида бошқа доимий ишга ўтказилгани тўғрисида қайд қилиниши керак. Бундан ташқари, унинг илтимосга кўра, вақтинча бошқа ишга ўтказиш тўғрисида ҳам қайд қилинади (масалан, агар вақтинча иш ходим учун у ёки бу имтиёзлар ва кафолатлар берилиши билан боғлиқ бўлса).

Мөхнат шартномасини ўзгартириш шакллари нуқтаи назаридан унинг расмийлаштириш тартибини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- иш берувчининг ходим розилигисиз мөхнат шартларини ўзгартирганда мөхнат шартномасини ўзгартиришни расмийлаштириш;
- ходимнинг ўз ташаббуси билан мөхнат шартларини ўзгартиришни сўраганда мөхнат шартномасини ўзгартиришни расмийлаштириш;
- бошқа доимий ишга ўтказишни расмийлаштириш;
- вақтинча бошқа ишга ўтказишни расмийлаштириш;
- иш жойини ўзгартиришни расмийлаштириш;
- алоҳида тартибда қонун ва қонун ости ҳужжатларида белгиланган тартибда мөхнат шартномасини ўзгартиришни расмийлаштириш;

Мөхнат шартларини ўзгартириш иш берувчининг тегишли буйруғи билан расмийлаштирилади. Шундай буйруқ чиқарилиши учун нималар асос ҳисобланиши тўғрисидаги масала ходим билан тузилган мөхнат шартномасида мазкур шарт қайд қилинган-қилинмаганлигига боғлиқ бўлади.

Бошқа ишга вақтинча ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан бундай ўтказишнинг муддати кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Мөхнат дафтарчаларини

юритиши тартиби тўғрисида”ти Йўриқноманинг 2.1-бандига кўра бошқа доимий ишга ўтказишга оид (жамоа шартномасида кўрсатилган асосларда ишлаб чиқариш зарурияти билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш бундан мустасно) маълумотлар киритилади.

Мехнат дафтарчасига бошқа доимий ишга ўтказилиши тўғрисидаги ёзувлар иш берувчи томонидан буйруқ берилгандан сўнг киритилади ва бу ёзув буйруқнинг мазмунига мос бўлиши шарт. Бошқа доимий ишга ўтказиш тўғрисидаги меҳнат дафтарчасига киритиладиган ҳар бир ёзув билан иш берувчи ушбу дафтарча эгасини шахсий варақаси (Т-2 шакл)ни имзолаш йўли билан 3 кун муддат ичида таништириши лозим.

Ходимнинг иши, бошқа доимий ишга ўтказилиши ва ҳоказолар тўғрисида нотўғри ёки ноаниқ ёзувлар аниқланган тақдирда, улар бундай ёзувни киритган иш берувчи томонидан тўғриланади ва тасдиқланади. Янги иш жойидаги иш берувчи бунинг учун ходимга тегишли ёрдам кўрсатиши зарур.

Бошқа доимий ишга ўтказилиши ҳақидаги тўғриланган маълумотлар буйруқнинг асл нусхасига айнан мос бўлиши керак. Агар буйруқ йўқолиб қолган бўлса ёки у ходим бажарган ишга номувофиқ бўлган тақдирда, меҳнат дафтарчасидаги иши ҳақидаги маълумотларни тўғрилаб ёзиб қўйиш, бажарган ишни тасдиқловчи бошқа хужжатларга асосланиб амалга оширилади. Гувоҳлар кўрсатмаси меҳнат дафтарчасига ўзгартиш киритиш учун асос бўла олмайди.

Хуқуқшунос олим А.Д. Шевцов ишлаб чиқариш зарурияти ҳолатларида ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказишда иш берувчи томонидан амалга оширилиши керак бўлган харакатлар алгоритмини ишлаб чиқади ва уни қўйидаги тартибда ифодалайди:

1-қадам. Ташкилотнинг таркибий бўлинмаси раҳбари томонидан ишлаб чиқариш еҳтиёjlари туфайли ходимни худди шу иш берувчи билан бошқа ишга вақтинча ўтказиш зарурати тўғрисидаги келишувни рўйхатдан ўтказиш;

2-қадам. Ходимни ишлаб чиқариш еҳтиёjlари туфайли худди шу иш берувчи билан бўлажак вақтинча бошқа ишга ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш ва бундай ўтказишга ходимнинг ёзма розилигини олиш;

3-қадам. Иш берувчи томонидан ишлаб чиқариш еҳтиёjlари туфайли ходимни худди шу иш берувчи билан бошқа ишга вақтинча ўтказиш тўғрисида буйруқ (кўрсатма) чиқариш ва у билан ходимни таништириш;

4-қадам. Мехнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича кўрсатмалар бериш ва билимларни синовдан ўтказиш ҳамда агар иш жараёни учун зарур бўлса маҳсус кийим, маҳсус поябзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

5-қадам. Ишлаб чиқариш еҳтиёjlари туфайли бир хил иш берувчи билан бошқа ишга вақтинча ўтказиш муддати тугагандан сўнг ходимни олдинги иш билан таъминлаш.

Мехнат шартномаси тарафларининг келишувига биноан ҳамда ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун – унинг аризаси, соғлигининг ҳолатига кўра вақтинча бошқа ишга ўтказиш, шунингдек ҳомиладор аёлларни ва икки ёшга тўлмаган боласи, бор аёлларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун эса – уларнинг аризаси ва тиббий хулоса асос бўлади.

Иш жойини ўзгартириш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Меҳнат шартномасида шарт қилиб қўйилган иш жойини иш берувчи фақат ходимнинг

розилиги билан ўзгартиришга ҳақли экан, ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгартышлар тегишли буйруқ чиқарилиши учун асос ҳисобланади.

Агар муайян иш жойи меҳнат шартномасида шартлашилмаган бўлса, бу ҳолда у иш берувчи томонидан ходимнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин. Мазкур ҳолда иш берувчининг тегишли қарори иш жойини ўзгартириш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади.

Хозирга даврда барча соҳаларда бўлгани каби меҳнат муносабатларини амалга ошириш ва тартибга солишда замонавий ахборот технологияларининг ютуқларидан кенг фойдаланиш мухим аҳамиятга эга. Меҳнат муносабатлари ва кадрлар билан иш юритища замонавий ахборот технологияларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 декабрдаги 971-сон қарори билан тасдиқланган “Ягона миллий меҳнат тизими” идораларо дастурий-аппарат комплексида меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказиши, электрон меҳнат дафтарчаларини шакллантириш ва юритиши тартиби тўғрисида”ти Низом ишлаб чиқилган бўлиб, Низом ходимлар билан иш берувчилар ўртасида тузилган меҳнат шартномаларини рўйхатга олиш, “Ягона миллий меҳнат тизими” идораларо дастурий-аппарат комплексида электрон меҳнат дафтарчаларини шакллантириш ва юритиши тартибини белгилайди. Аҳамиятли томони шундан иборатки, меҳнат дафтарчасини юритишининг электрон шаклига ўтиш иш берувчи ва ходим учун бирдек фойдалидир. Жумладан:

хар икки тараф ҳам меҳнат муносабатларининг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши билан боғлиқ муносабатлар билан доимий танишиб туриш имкониятига эга бўлади;

ортиқча қофозбозликка барҳам берилади;

меҳнат шартномалари ва ходимларнинг меҳнат стажига оид маълумотларни йифиши, сақлаш ва қайта ишлаш ишлаш амалга оширилади;

меҳнат ҳақидаги қонунлар талабларига мувофиқ иш берувчи билан ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси тўғрисидаги барча маълумотлар ўз аксини топади.

Ушбу Низомнинг 5-бобида меҳнат шартномасига қўшимча битимни рўйхатдан ўтказиши тартиби белгилangan бўлиб, унга кўра тузилган меҳнат шартномасига қўшимча битимни рўйхатдан ўтказиши “Ягона миллий меҳнат тизими” идораларо дастурий-аппарат комплекси («ЯММТ» ИДАК)га меҳнат шартномасидаги қўшимчалар ва ўзгартышлар ҳақидаги маълумотларни киритиш орқали амалга оширилади. Меҳнат шартномасига қўшимча битим бўйича киритилган маълумотлар иш берувчи томонидан юридик шахснинг электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёрдамида тасдиқланади. Қўшимча битим юридик шахснинг ЭРИ билан тасдиқланмасдан рўйхатдан ўтказилган тақдирда, қўшимча келишув рўйхатдан ўтказилмаган ҳисобланади. Қўшимча келишув маълумотлари нотўғри киритилган ҳолларда иш берувчи нотўғри киритилган маълумотларни беш иш куни мобайнида таҳрир қилиши мумкин. Белгилangan муддат ўтиб кетган тақдирда, иш берувчи операторга мурожаат қиласи. Ҳар бир рўйхатдан ўтказилган меҳнат шартномасига қўшимча битимга кейинчалик хизматда фойдаланиш учун ноёб рақам берилади.

МУҲОКАМА

Меҳнат шартномасидаги ўзгартиришни ноқонуний деб ҳисоблаган ходим у билан тузилган меҳнат шартномаси ўзгартирилишига белгилangan тартибда шикоят қилиши хукуқига эга бўлиб, бу орқали ўзларининг бузилган хукуқ ва эркинликларини таъминлаш

ва келтирилган заарларни қоплатиш имкониятига эга бўлади. Бундай холатлар ходимни ноқонуний равишда бошқа ишга ўтказиш натижасида вужудга келади. Жумладан, Тожикистон Республикаси Мехнат кодексининг 31-моддаси 3-қисмига асосан ходим меҳнат шартларини ўзгартирилишидан норози бўлса тегишли тартибда судга шикоят қилиш хуқуқига эга. Низони кўриб чиқиш пайтида иш берувчи аввалги меҳнат шароитларини сақлаб қолиш мумкин эмаслигини асослаши шарт, деб белгиланган . Бундан ташқари Литва Меҳнат кодексининг 50-моддаси, Латвия Меҳнат тўғрисидаги Қонунининг 98-моддаси 4-қисмida ҳам шу каби асослар белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 112-моддасида белгиланган асосларни меҳнат шартномасини ўзгартириш шартларига татбиқ этган ҳолда мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш шартлигидан (275-модда), меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ қўшимча ҳаражатлар (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун кетган ҳаражатлар ва бошқалар) учун компенсация тўлашдан, маънавий заарар учун компенсация тўлаш бўйича асосларни қўллаш мақсадга мувофик.

ХУЛОСА

Умумий хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, меҳнат шартномаси ўзгартирилганлигини қонунга хилоф деб ҳисобловчи ходим ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси ўзгартирилганлиги устидан шикоят қилишга ҳақли бўлиб, меҳнат шароитлари қонунга хилоф равишида ўзгартирилган тақдирда, унинг аввалги меҳнат шароитларини тиклаш тўғрисидаги талаблари қаноатлантирилиши, шунингдек меҳнат шароитларининг қонунга хилоф деб эътироф этилган ўзгаришлари ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори камайишига олиб келган бўлса, ходимнинг ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги талаблари қаноатлантирилишига алоҳида эътибор қаратиш ва ушбу қоидаларни қонунчилигимизда акс эттириш лозим деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони - <https://lex.uz/docs/5841063#5842914>
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - <https://lex.uz/docs/20596>
3. Соколов Е.А., Рахманбеков Ж.Н. Меҳнат ва хуқуқ ёки корхоналар ходимлари ўз меҳнат хуқуқи ва кафолатларини қандай ҳимоя қилишлари керак: Аҳоли учун юридик қўлланма. -Т., 2018 йил, -Б.111.
4. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. Меҳнат шартномаси (контракт). Биринчи китоб. -Т., “Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси” нашриёти. 1999 йил, -Б.170.
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома - <https://lex.uz/docs/643007>
6. <https://zelva.grodno-region.by/uploads/files/Algoritm-vremennogo-perevoda-rabotnika-po-p-2-ch-1-st.32-1-TK-RB.docx>
7. <https://lex.uz/ru/docs/4630020>
8. https://andoz.tj/docs/drugie-kodeksi/Code №8 _ Labor_code_RT_ru.pdf

9. <https://e-seimas.lrs.lt/portal/legalAct/l/lt/TAD/5d9dd410ad0f11e9b43db72f2154cfa0?Jfwid=166ic86kge>
10. http://www.zakon.lv/otrude_ru.htm
11. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси - <https://lex.uz/acts/142859>